



Some issues of responsibility of officials for crimes in the field of public procurement

Bobokhon BOBOJONOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022
Received in revised form
25 June 2022
Accepted 25 July 2022
Available online
20 August 2022

Keywords:

state needs,
public procurement,
special entity,
official,
liability of legal entities,
corruption crimes,
embezzlement,
conclusion of a transaction
contrary to the interests of
the Republic of Uzbekistan,
career powers,
crimes in the field of public
procurement.

ABSTRACT

In the article, the author highlights some issues of criminal liability for crimes related to public procurement in some foreign countries. The article also analyzes some aspects characteristic of the responsibility of officials in the criminal legislation of some foreign countries for corruption crimes in the field of public procurement in the legislation of foreign countries.

In addition, a comparative analysis of responsibility for the crime of concluding failed transactions in the interests of the state in connection with public procurement was carried out, scientific and theoretical views on the inclusion of the issue of liability of legal entities for crimes in the field of public procurement were discussed.

In the criminal legislation of most foreign countries, it is noted that most of the crimes against the foundations of the economy committed by officials consist of crimes in which the interests of the state are indiscriminately concluded transactions, embezzlement and robbery, robberies using computer technology, fraud in the field of trade and services, and money laundering, obtained by criminal means.

Crimes in the field of public procurement distinguish the following forms of corruption: direct participation of officials, civil service employees, deputies in commercial activities in order to see personal or corporate identity; using their official position to transfer public funds to commercial structures with the intention of appropriating them, etc.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4-pp62-72>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ An independent researcher Tashkent State University of Law. E-mail: b.bobojonov@qqb.uz.

Баъзи хорижий давлатларда давлат харидлари билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

давлат харидлари,
махсус субъект,
мансабдор шахс,
юримдик шахслар
жавобгарлиги,
ўзлаштириш ёки растрата
йўли билан талон-торож
қилиш,
давлат манфаатларига
хилоф битимлар тузиш,
коррупциявий жиноят,
мансаб ваколатлари,
давлат харидлари
соҳасидаги жиноятлар.

Мақолада муаллиф томонидан баъзи хорижий давлатларда давлат харидлари билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари ёритилган. Шунингдек, мақолада хорижий давлатлар қонунчилигида давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятлар учун айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги бўйича мансабдор шахслар жавобгарлигига хос айрим жиҳатлар ҳам таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, давлат харидлари билан боғлиқ давлат манфаатларига хилоф битимлар тузиш жинояти учун жавобгарликнинг қиёсий таҳлили, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этганлик учун юримдик шахслар жавобгарлиги масаласини киритилишига оид илмий-назарий қарашлар муҳокама қилинган.

Аксарият хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мансабдор шахслар томонидан содир этилган иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларнинг аксарияти давлат манфаатлари хилоф равишда битимлар тузиш, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этиш, компьютер-техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фирибгарлик ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятларидан иборатлиги қайд этилган.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар коррупция намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқланган: мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш ва бошқ.

Некоторые вопросы ответственности должностных лиц за преступления в сфере государственных закупок

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

государственные нужды,
государственные закупки,
специальный субъект,
должностное лицо,
ответственность
юридических лиц,
коррупционные
преступления,

В статье автором освещаются некоторые вопросы уголовной ответственности за преступления, связанные с государственными закупками, в некоторых зарубежных странах. В статье также анализируются некоторые аспекты, характерные для ответственности должностных лиц в уголовном законодательстве некоторых зарубежных стран за коррупционные преступления в сфере государственных закупок в законодательстве зарубежных стран.

хищение путем присвоения или растраты, заключение сделки вопреки интересам Республики Узбекистан, карьерные полномочия, преступления в сфере государственных закупок.

Кроме того, был проведен сравнительный анализ ответственности за преступление заключения несостоявшихся сделок в интересах государства в связи с государственными закупками, обсуждены научно-теоретические взгляды на включение вопроса об ответственности юридических лиц за совершение преступлений в сфере государственных закупок.

В уголовном законодательстве большинства зарубежных стран отмечается, что большая часть преступлений против основ экономики, совершаемых должностными лицами, состоит из преступлений, в которых интересы государства представляют собой без разбора заключаемые сделки, хищения и грабежи путем растраты, грабежи с использованием компьютерно-технических средств, мошенничество в сфере торговли и услуг, и легализации доходов, полученных преступным путем.

Преступления в сфере государственных закупок выделяют следующие формы проявления коррупции: непосредственное участие должностных лиц, работников государственной службы, депутатов в коммерческой деятельности с целью увидеть личную или корпоративную идентичность; использование своего служебного положения для передачи государственных средств коммерческим структурам с намерением их присвоения и т.д.

Бугунги кунда давлат эҳтиёжлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган, республика эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул усули давлат харидлари саналади.

Давлат харидлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан аниқланадиган рўйхат бўйича бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари бўлиб, уларни ташкил этиш, амалга ошириш ва шу асосда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш, ижро этиш ҳамда ижро этмаслик учун ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилаш масалалари ушбу муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Ҳозирда давлат манфаатларига хилоф равишда мансабдор шахслар томонидан битим тузганлик учун иқтисодий жиноятлар муаммосига жаҳоннинг ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин. Ушбу турдаги жиноятларнинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турлича бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ушбу тоифадаги жиноятларни олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал жинойий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас. Шу сабабли мазкур жиноятларни фош этиш ва уларга қарши кураш тизими доимий такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ривожланган давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилинганда, давлат манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти оғир ва ўта оғир жиноятлар таснифига киритилганини ҳамда давлатга нисбатан фирибгарлик ёки мансаб ваколатларни суиистеъмол қилиш жиноятлари сифатида белгиланганини кўришимиз мумкин.

Жумладан, АҚШда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 1 млн. доллар миқдорида жарима [1], Германия [2], Корея [3] ва Латвия [4] давлатларида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган.

Хитойда тузилиши натижасида давлат манфаатларига зарар етказилган битимни тузган давлат органининг ёки давлат улуши бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсига нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатилиб, 7 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиши белгиланган.

Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги бошқа жиноятлардан анча юқори. Содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг объекти бир томондан давлатнинг иқтисодий асослари бўлиб, буни содир этилган иқтисодий жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарда кўриш мумкин. Иккинчи томондан, ушбу жиноятларнинг объекти ҳокимят ва бошқарув органларининг нормал фаолияти бўлиб, жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига маънавий-руҳий, жисмоний ёки бошқа тарздаги зарар ҳам етказилади.

Мансабдор шахслар томонидан содир этилган иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларнинг аксарияти давлат манфаатлари хилоф равишда битимлар тузиш, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этиш, компьютер-техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фирибгарлик ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг аниқ категорияси мавжуд эмас. У содир этилган қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб аниқланади. Шу сабабдан ҳам давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун айрим хорижий давлатлардаги жиноий жавобгарлик масаласини ёритишда айтиш мумкинки, шу номдаги жиноят таркиблари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб таҳлил қиламиз.

Шу ўринда ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан мол-мулкни талон-торож қилиш масаласига тўхталамиз.

Қайд этиш керакки, айрим хориж давлатлари жиноят қонунларидаги ўзлаштириш, растрата қилиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормалари билан таққосланганда, мазкур махсус белги бизнинг қонунчиликда анча ижобий ҳал қилинган, деган хулосага келиш мумкин. МДҲга аъзо давлатлардан Арманистон (ЖК 179-моддаси) [5], Беларусь Республикаси (ЖК 211-моддаси) [6], Молдова (ЖК 191-моддаси) [7], Озарбайжон (ЖК 179-моддаси) [8], Россия Федерацияси (ЖК 160-моддаси) [9], Қирғизистон (ЖК 171-моддаси) [10], Қозоғистон (ЖК 176-моддаси) [11] давлатларнинг Жиноят кодексларида мулк айбдорга фақат ишониб топширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Айбдорнинг мулкка нисбатан махсус ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига батафсил ёритилган, яъни мулк айбдорга нафақат ишониб топширилиши, балки унинг ихтиёрида бўлиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Бундай қоида Грузия (ЖК 182-моддаси) [12], Тожикистон (ЖК 245-моддаси) [13], Украина (ЖК 191-моддаси) [14] давлатлари жиноят қонунларида ҳам мавжуд.

Демак, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилинган мулк айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлади. Ўзлаштириш, растрата қилишнинг мазкур белгиси бўйича жуда кўп илмий изланишлар амалга оширилган бўлса-да, лекин ҳозирга қадар бу масала турлича ҳал этилади.

Баъзи муаллифлар айбдорнинг моддий жавобгарлиги остидаги мулкни ишониб топширилган мулк, деб ҳисоблайдилар [15]. Бошқалар ишониб топширилган мулк деганда, қонуний асосларга кўра топширилган мулкни тушунадилар [16]. Учинчи гуруҳ олимлар, ўзлаштириш ёки растратада ўзганинг мулки айбдорнинг эгалигига мансаб мажбуриятлари, шартномавий муносабатлар ёки махсус топшириқ асосида юридик расмийлаштирилган ва тегишли ҳужжатда мустаҳкамланган (шартнома, меҳнат шартномаси, қабул қилиш акти ва шу кабилар) ҳолда қонуний тарзда ўтади, деб ҳисоблайдилар [17]. И.А. Клепицкий мулк юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, шунингдек фуқаролик қонунига мувофиқ ёзма ёки оғзаки шаклда тузилган меҳнат шартномаси асосида қонуний эгалигига топширилган мулкни ишониб топширилган мулк эканлигини асослайди [18].

Аксарият ривожланган мамлакатларда талон-торож қилиш жиноятлари компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этилади. Жумладан, Испания ЖК 249-моддасига мувофиқ, агар талон-торож қилинган мулк миқдори 400 еуродан ортиқ бўлса, қилмиш 6 ойдан 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Испания ЖК 250-моддасида жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати келтирилган.

2018 йил 4 майда Россия Федерацияси Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритилиб, улар давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи 200.4 ва 200.5. моддалар билан тўлдирилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 200.4-моддасида давлат харидлари-товарлар (кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар) суиистеъмол қилинганлиги учун 200 минг рубль миқдорида жарима ёки 3 йилгача озодликдан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жиноий жазо назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, давлат манфаатларига хилоф равишда битим тузганлик учун жиноий жавобгарлик Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, шунингдек Қозоғистон ҳамда Қирғизистон Республикалари жиноят қонунларида учрамайди.

Жумладан, сўнгги икки йил давомида Россия Федерацияда ҳисобга олинган давлат манфаатларига хилоф равишда битим тузиш жиноятларининг деярли ярми, 48%и мансабдор шахслар томонидан ёки уларнинг иштирокида содир этилганлиги қайд этилган. Ваҳоланки, 2019 йилда бу кўрсаткич 60%ни ташкил этган.

Жиноятчилик турлари кесимида олинганда, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этишнинг 72%, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирибгарликнинг 33%, бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш ва компьютер-техникаси воситалари ёрдамида талон-торож этишнинг 23%, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришнинг 12% мансабдор шахслар томонидан содир этилган.

Жиноятлар оқибатида эса давлат ташкилотларига турли миқдорда зарар етказилган. Жабрланган ташкилотларнинг 44% 100 минг АҚШ долл.гача, 25% 100 мингдан 1 млн.долл.гача, 23% эса 1 млн. долл.дан ортиқ моддий зарар кўрган [19].

Мамлакат ҳукумати иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабати билан яхши танилган Сингапурда эса 2015 йилда содир этилган иқтисодий жиноятларнинг 22% мансабдор шахслар томонидан содир этилган. Ушбу кўрсаткич дунё бўйича қайд этилган иқтисодий жиноятлар кесимида нисбатан камчиликни ташкил этади (36%).

Экспертларнинг фикрига кўра, мазкур кўрсаткич мамлакатда корпоратив бошқарувнинг яхши ривожланганлиги ва коррупциянинг пастлиги билан баҳоланмоқда.

Ушбу турдаги жиноятларда, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этишнинг 61%, компьютер-техникаси воситалари ёрдамида талон-торож этишнинг 43%, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирибгарликнинг 35%, жиноий йўл билан топилган даромадларни леггаллаштиришнинг 26% да мансабдор шахслар иштирокида содир этган.

Ушбу даврда Франциянинг 68% давлат ва хусусий сектор ташкилотлари иқтисодий жиноятларнинг жабрланувчига айланган. Мазкур жиноятларда фаол ёхуд пассив даражада мансабдор шахсларнинг иштирокчилиги аниқланган.

Фаолият турлари кесимида олинганда: молия соҳасида 48%, истеъмол товарларини тарқатиш ва телекоммуникация соҳасида 44%, транспорт ва логистика хизматида 42%, мудофаа, аэрокосмика, энергетика ва суғурта соҳасида 37%, қурилиш-инженеринг соҳасида 30%, туризм, фармацевтика ва автомобил соҳасида қайд қилинган жиноятларнинг 39% да мансабдор шахсларнинг у ёки бу тарздаги дахлдорлиги қайд қилинган.

Содир этилган ушбу жиноятлар ўзлаштириш ва растрата йўли билан (56%), компьютер-техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда (33%), савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида фирибгарлик йўли билан (25%), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни леггаллаштириш орқали (23%), бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш (13%) йўли билан содир этилган.

Мазкур тоифадаги жиноятлар оқибатида эса компанияларнинг 53%га 100 минг долл.гача, 22% га 100 минг долл.дан 1 млн. долл.гача, 13% га 1 млн. долл.дан 100 млн. долл.гача, 1% га 100 млн. долл.дан ортиқ зарар етказилган.

Жиноят содир этган мансабдор шахсларнинг аксарияти 31-40 ёш оралиғидаги (44%), 10 йил иш стажига эга (40%), олий маълумотга эга эркак кишилардир (76%) [20].

Жиноят содир этган ушбу мансабдор шахсларнинг 18% юқори лавозимдаги, 36% ўрта бўғиндаги, 28% эса кичик таркибдаги раҳбар ходимлардан иборат [21].

Бундан ташқари, ушбу турдаги жиноятлар савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида фирибгарлик йўли билан (22%), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни леггаллаштириш орқали (15%), бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш (16%) йўли билан содир этилган.

Тадқиқ этилган аксарият хорижий давлатларда давлат манфаатларига хилоф битим тузиш жиноятини содир этган мансабдор шахсларнинг 18% юқори лавозимдаги, 29% ўрта бўғиндаги, 24% бошланғич таркибдаги раҳбарлардан иборат [22].

Ушбу жиноятлар оқибатида давлат иқтисодиётига етказилган зарар жуда катта. Жумладан компанияларнинг 25% га 100 минг долл.дан 1 милл. долл.гача, 21% 1 млн. долл.дан 100 млн. долл.гача, 3% га эса 100 млн. долл.дан юқори зарар етказилган [23].

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар ичида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни леггаллаштириш ҳам ўзига хос ўрин тутди. Бу бўйича хорижий тажриба миллий жиноят қонунчилигидан фарқли ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига мувофиқ ЖКнинг 243-моддасида содир этилган қилмиш натижасида етказилган зарарнинг даражасига

кўра жавобгарлик дифференциация қилинмаган. Бу, ўз навбатида жиноят қонунининг инсонпарварлик, одиллик ҳамда айб учун жавобгарлик принципларига зид келади.

Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексига 174-модда (бошқа шахслар томонидан жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ёки пул маблағларини легализация (ошкорлаштириш) қилиш)нинг иккинчи қисмида қилмишни *кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, учинчи қисмида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва шахснинг ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, тўртинчи қисмида эса қилмишни уюшган гуруҳ томонидан* содир этилиши квалификация қилувчи белгилар сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Худди шунингдек, Россия Федерацияси Жиноят кодексига 174-модда (жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ёки пул маблағларини легализация (ошкорлаштириш) қилиш)нинг биринчи қисмида қилмишни *кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, иккинчи қисмида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва шахснинг ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, учинчи қисмида эса қилмишни уюшган гуруҳ томонидан* содир этилиши квалификация қилувчи белгилар сифатида алоҳида кўрсатилган.

Беларусь Республикаси Жиноят кодексига 235-модда (жиноий йўл билан олинган моддий қимматликларни (ошкорлаштириш) легаллаштириш)нинг иккинчи қисмида қилмишни *жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, учинчи қисмида уюшган гуруҳ томонидан* содир этилиши квалификация қилувчи белги сифатида қайд этилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексига 193-модда (жиноий йўл билан олинган пул ёки бошқа мулкни (ошкорлаштириш) легаллаштириш)нинг иккинчи қисмида қилмишни *такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва шахснинг ўз хизмат вазифасига кўра ваколатли давлат органи ходимига тенглаштирилган шахс томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан* содир этилиши квалификация қилувчи белги сифатида мустақамланган.

Туркменистон Республикаси Жиноят кодексига 242-модда (ғайриқонуний равишда қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш)нинг иккинчи қисмида қилмишни такроран, *бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва шахснинг ўз хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда, учинчи қисмида жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда* содир этилиши квалификация қилувчи белги сифатида мустақамланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти учун жавобгарлик жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш учунгина мавжудлиги белгиланган.

Аксарият хорижий давлатларда давлат манфатларига хилоф равишда битим тузиш билан боғлиқ иқтисодий жиноятларнинг омиллари ўрганилганда, жиноятларнинг аксарияти ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ёки шу каби қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан содир

этилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, жиноят содир этганларнинг АҚШда 57%, Англияда 44%, Францияда 53% ва Сингапурда 23 % ушбу имкониятга эга бўлган мансабдор шахслардир [24].

Баъзи хорижий давлатларда жиноят субъекти сифатида юридик шахслар жавобгарлиги мустаҳкамланган [25]. XX асрнинг сўнгига келиб айрим давлатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилловчи нормалар киритилди. Эркин рақобатни, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда, иқтисодни, атроф-табiiй муҳитни кўриқлашда, соғлиқни сақлаш ва бошқа фаолият соҳаларини ҳимоя қилишда маъмурий, фуқаровий чораларнинг самарасизлиги охириги ўн йилликларда кўпгина давлатларнинг юридик шахслар жиноий жавобгарлиги муаммоси масаласига янгича қарашга ундади, хусусан, бу масала алоҳида давлатлар, масалан Франция, АҚШ, Англия, Финляндия, Франция, Японияда ўзининг қонуний ечимини топди [26]. Шунингдек, Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Канада, Норвегия, Хитой, Шотландия қонунчилигида ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги мустаҳкамланган.

Айрим олимлар томонидан Ўзбекистон Республикасида бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг замонавий ривожланиш тенденциялари жиноят субъекти масаласига кенгроқ ёндашишни тақозо этишини, трансмиллий корпорациялар фаолият доираси тобора улкан масштабни қамраб олаётганлигини таъкидлаб, улар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласининг ўрнатилиши лозимлиги ҳақида қизғин мунозарали фикр юритаётганликларини, миллий қонунчилигимизда ҳам юридик шахс сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мақомида маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш илгари сурилмоқда [27].

Бундан амалиёт амалга юқорида қайд этилганидек, Франция, АҚШ, Англия, Финляндия, Франция, Япония, Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Канада, Норвегия, Хитой, Шотландия ҳамда Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида ўз аксини топган.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бу соҳада коррупция намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин: мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; ўз корпоратив (сиёсий, молиявий, тижорий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш; тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

АҚШда давлат харидлари соҳасидаги мансабдорлик жиноятининг “кикбэкинг” шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жиноий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайдилар. Тафовутнинг бир қисми битимга рухсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин пора берилади.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган. Лекин, бу йўналишдаги ишлар фақат XX асрнинг ўрталарига келиб фаол тус олди. Шу нарса диққатга сазоворки, АҚШ қонунларида нафақат давлат хизматчиси ўз вазифасини бажариши чоғида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви, балки давлат ҳокимияти органларида ўз хизматини тўхтатган шахс билан шундай ҳолатнинг рўй бериши ҳам назарда тутилган. АҚШнинг Оқ уй маъмурияти эса, доимий равишда сиёсий компаниялар учун ажратилган маблағлардан ноқонуний равишда фойдаланилганлиги ҳақидаги айбловлар билан курашиб келади.

Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония ва АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ҳам давлат хизматидаги мансабдор шахсларнинг давлат харидлари соҳасидаги коррупциялашуви тез-тез учраб туради. Мисол учун, 90-йилларнинг иккинчи ярмида Германияда 2 мингга яқин мансабдор шахсларга нисбатан мансабдорлик жиноятлари бўйича расман жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов қилинган [28].

Бироқ, континентал ҳуқуқоиласига мансуб Франция, Италия, ГФРларида давлат харидлари соҳасидаги мансабдорлик жиноятлари ижтимоий хавфи энг юқори жиноятлардан саналади.

Франциянинг 1992 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига кўра давлат харидлари соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, хизмат сирини ошкор қилиш ёки унга суиқасд қилиш ва бошқа турлари белгиланган.

Францияда давлат харидлари соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди. Давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш усули сифатидаги давлат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида префектураларнинг қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган хизматларда банд бўлган ходимларининг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш, шунингдек префектураларнинг хизматларига мазмуни коррупция хавфини кучайтирадиган ҳужжатларни бажариш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франция ҳукумати Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш, шунингдек корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизмати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ГФР тажрибаси коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, мамлакат марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва

юримдик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув кадрларини ротация қилишга, бошқарув ходимлари фаолияти устидан ички назорат олиб борадиган ташқи бўлинмалар ташкил этишга имкон бермайди [29].

Юқоридаги тушунчаларни таҳлил қилиш асносида айтиш мумкинки, мансабдорлик жиноятлари: мансабдор ёки моддий жавобгар шахс мақомига эга бўлган шахс томонидан содир этилади; шахс томонидан ўз хизмат вазифаларидан фойдаланган ҳолда содир этилади [30]; тақдим этилган ваколатлардан ноқонуний фойдаланиш йўли билан содир этилади; ғаразли мақсадда ёхудучинчи шахслар фойда олишига эришиш мақсадида содир этилади; хизмат манфаатларига зид равишда содир этилади.

Шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бу соҳада коррупция намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин: мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; ўз корпоратив (сиёсий, молиявий, тижорий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш; тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.law.cornell.edu/uscode/text/18/1031.
2. www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/german_criminal_code.pdf.
3. www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816472.pdf.
4. <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.
5. Уголовный кодекс Республики Армения // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&-lang=rus#8a>.
6. Уголовный Кодекс Республики Беларусь. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 267–268.
7. Уголовный кодекс Республики Молдова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 262–263.
8. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 197–198.
9. Уголовный Кодекс Российской Федерации. – М.: Дашков и К., 2004. – С. 102.
10. Уголовный кодекс Кыргызской Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 181–182.
11. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 198–199.

12. Уголовный кодекс Грузии. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 218–219.
13. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 254–255.
14. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 167–168.
15. Хакимов И.Х. Борьба с хищениями, совершенными путем присвоения и растраты в системе государственной и кооперативной торговли. – Ташкент: Фан, 1964. – С. 63; Бойцов А.И. Преступления против собственности. – СПб., Юридический центр Пресс, 2002. – С. 417.
16. Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. – М.: Экзамен, 2004. – С. 25.
17. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Под ред. О.Ф.Шишова. В 2-х т. – М.: Новая волна, 1998. Т. 2. – С. 28.; Хилюта В. Вверенное имущество в уголовном праве Беларуси // Уголовное право. – Москва, 2006 – № 4. – С. 69.
18. Клепицкий И.А. “Вверенное имущество” в уголовном праве // Законность. – Москва, 1995. – №12. – С. 10.
19. Российский обзор экономических преступлений за 2016 год-Взгляд в будущее с умеренным оптимизмом. С.-6-7.
20. La fraude explose en France. // <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.
21. Old Dogs, New Tricks-Crime Survey 2016: UK report // <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.
22. Иванов М.Г. Служебно-экономическая преступность: криминологические и уголовно-правовые аспекты: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 2002. – С. 39.
23. Дементьева Е.Е. Проблемы борьбы с экономической преступностью в зарубежных странах: Дис... канд. юрид. наук. М., 2006. – С. 45.
24. Дементьева Е.Е. Проблемы борьбы с экономической преступностью в зарубежных странах: Дис... канд. юрид. наук. М., 2006. – С. 76.
25. Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. – С. 50, 60; Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.
26. Якубов А.С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 5–26.
27. Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар // №02(122) / 2016, Хуқуқва бурч. – Б. 61.
28. Рейсмен В.М. Скрытая ложь. Взятки: «крестовые походы» и реформы. М., 2012. – С. 31.
29. Уголовный кодекс ФРГ / Пер. с нем. А.В. Серебренниковой. М., 2010. – С. 13.
30. Kurbanov Marufjon Mamadaminovich. Social need to determine liability for crimes related with obstruction, illegal interference in business activity. Journal of Law Research. 2020, special issue 3, – PP. 197-208. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-SI-3-24>.